

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО МУСИҚА
ФОЛЬКЛОРНИНГ ТАРИХИЙ-
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

19 октябрь

Бухоро - 2021

МУНДАРИЖА

Хамидов О.Х. Миллий меросимиз ва Бухоро мусика фольклори	4
О.С.Қаҳҳоров. Ўқувчиларга ўзбек мусика фольклорини ўргатишнинг инновацион усуллари	5
С.Қ.Қаҳҳоров. Номоддий маданий меросимизда халқ мусика ижодининг ўрни	7
1-ШУЎБА. МИЛЛИЙ МЕРОС МАЗМУНИДА МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ ТАРАҚҚИЁТИ	
Мадримов Б.Х. Ўқувчиларни миллий мерос мазмунида тарбиялашда маданият ва санъатнинг аҳамияти	9
Сафарашиев Б.С. Страницы истории благотворительной деятельности творческой интеллигенции России в Средней Азии	12
Раимжонов С.Ў. Эстетик маданиятни ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти	19
Ткачук Н. Б. Духовно-нравственные основы воспитания молодежи	21
U.M.Mirshayev. Musiqa orqali milliy ma'naviyatimiz tarixini o'rganish	25
А.А.Ережонов. Қарақалпақ бахсмышылык мектеплериниң кәлиплесини раўажлантыў тарийхи	28
А.Хидиров. Талабаларга макомларни ўргатишнинг назарий ва амалий масалалари	30
G.Istamova. Xorazm dutor maqomlarining kelib chiqish tarixi	32
R.E.Otamurodov. O'zbek musiqa merosiga bir nazar	36
N.K. Nurullayeva, Do'stov S.D. O'zbek xalq qo'shiqlarining tarixiy taraqqiyoti	38
Ismoilova M.E. Milliy musiqa san'atimiz rivojida maqomlarning o'rni	41
2-ШУЎБА. БУХОРО МУСИКА ФОЛЬКЛОРИ БОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАРДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	
Б. Мустафоев. Бухоро мусика фольклори - маънавий тарбиянинг муҳим воситаси	44
Соколов С. С. Этноджаз в музыкальной культуре Узбекистана: синтез традиции и современности	46
Т.Н.Ражабов. Халқ мусика мероси миллий мусиқий таълимнинг асоси сифатида	50
Мартынова Н. Э. К проблеме сценического воплощения фольклорного материала: соотношение музыки и танца в русском песенно-хореографическом фольклоре	53
D.Y.Ro'ziyev. O'yin-qo'shiqlarning tarbiyaviy ahamiyati	58
Ражабов А. Бухоро мусика фольклорининг бугунги кундаги аҳамияти	61
Хасанов Х.Р. Ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда, халқ педагогикасининг тарбия усулларидан фойдаланиш	64
Курбонова Мохигул Шонвезовна. Болаларнинг мусиқани бадний ҳис этишларида фольклор жанрининг имкониятлари (1-симф болалари мисолида)	65
Muratova B.O'. Buxoro folklor qo'shiqlarini o'rganishning pedagogik asoslari	67
3-ШУЎБА. ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ	
Дубских Т. М. Танцевальная культура народов Челябинской области в	70

БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Ражабов А. – БухДУ Мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада “Бухоро мусиқа фольклори” бугунги кундаги аҳамияти ёритиб берилган. Бухоро фольклор мусиқаси, унинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи аъёналар, оғзаки аъёндаги фольклор, мумтоз ва маком санъатининг ривожланиши, етакчи жанрларини ўрганиш, таҳлил қилиш, бошқа маҳаллий услублар билан кўрсатилган.

Калит сўзлар: Фольклор, Шашмаком, жанр, лофлар, терма, латар, услуб, мифлар, ашула, ракс.

Фольклор барча санъатнинг бошлангани, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирга ўхшашмаган ўзига хослиги билан ажралиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, ракс, хувармандчилик, тасвирий, бадний ва бошқа санъатлар билан боглик тасаввурларини қамраб олади. Оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакни ўзида ифода этувчи, унинг тақдирини билан ҳамбарчас боглик ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади. Халқ ижоди бу чинакам маънодаги донмий ўзгариш, донмий ҳаракатдаги санъатдир. Яъни, халқ ижоди намуналари ҳар галги ижрода аъёналарнинг давомийлигини сақлаган ҳолда муттасил янгиланиб, ўзгариб, мукамалланиб бораверади. Шунинг учун ҳам халқ ижоди намуналари кўплай вариантликка эга. Ана шу вариантлик халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини таъминлаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Фольклор жанрлари иқтисмоний-иқтисодий тараққиёт билан узиний боглик. Халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Қай бир жанрлар ёки намуналар бутунлай йўқолган, янгилари юзага келган. Шунинг учун ҳам уларда кўп қатламлик мажмуд бўлиб, узок икродо давомда бир неча даврлар ўз ичиди қолдирган. Жанрларнинг богкичи тараққиёти ва тарихий типология нуктан назардан қараганда, энг қадимги даврларда кўпчилик халқларда мифлар, урут ва қибилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, тоғчилик ва мақоллар, оқиш ва қарғишлар, мавсум маросим фольклори намуналари, меҳнат кўшиклари кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса, эртақлар, эпоснинг арханк шакллари юзага келган. Патрвархал уручилик мувосабатларининг емирлиши ва илк давлатларнинг шаклланиши даврида қахрамонлик достонлари яратилган. Кейинроқ романик эпос, лирик ва тарихий кўшиклар, оғзаки драма, латифа ва лофлар пайдо бўлган.

Муствақиллик, умуман, халқ қадриятларига, хусусан, халқ оғзаки ижодига бўлган мувосабатда кескин ижобий ўзгариш ясади. “Муствақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” дейилганда: “Янги Ўзбекистонни янгилан ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади”. “Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини муствақамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

• “ватанпарварлик” – деб белгилаб қўйилган.

Самарқанд ва Бухоро қадим-қадимдан нафақат ўрта осийё, балки бутун шарқда маълум ва машҳур илм-фан, маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган. Бу воҳда буюк мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар, мусиқачи санъаткорлар етишиб чиққан.

Ҳозирги пайтда дунёнинг деярли барча мамлакатларидаги тегинши санъат муассасаларида фольклор секторлари мавжуд. Шунингдек, турли мамлакатларда халқаро ёки муайян минтақа бўйича ҳар хил жамиятлар ҳам бор. Масалан, ЮНЕСКО хузуридаги Этнология ва фольклор халқаро жамияти, Халқ мусиқаси халқаро кенгаши, Фольклор ўртоқлик жамияти кабилар шундай илмий ташкилотлардир.

Ўзбек фольклори намуналарини тўплаш ва нашр этиш ишлари 19-асрнинг 2армидан бошлаб ахён-ахёнда кўпга ташланиб турсада (Х.Вамбери, Н.П.Остроумов тўпламлари, «Ҳикояти Гўрўгли султон», «Юсуф билан Аҳмад» каби нашрлар), уни чинакамга тўплаш ва нашр этиш ишлари 1919 йилдан йўлга қўйила бошлади. Янгича йўналишда шакллана бошлаган ўзбек фольклорининг дастлабки босқичи (1918—25 йиллар) ўша давр шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларини иттиқлик билан ўзлаштиришга интилиши, фольклор материалларини жадал жамлаш, халқ ҳаёти ва маънавий турмушининг барча томонларига кириб боришга уриниш билан ажралиб туради. Бунда Ғоли Олим, Гулом Зафарвий ва Элбекларнинг фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 20-йилларнинг 2армидан бошлаб яна ҳам жиддий ютуқлар кўпга киритилди. Эргаш Жумибулбул ўгли, Физил Йўлдош ўгли, Пўлкан шоир каби атоқли дostonчилар аниқланди. Улар ижросида биринчи марта эник асарлар тўла ёзиб олина бошлади, халқ санъаткорларига ижодкор сифатида қараб, оригинал кузатишлар олиб борилди. Бу ишда ўзбек фольклоршунослиги ўзининг мустақкам илмий йўналишига эга бўлди, унинг асоси яратилди.

Фольклор термини ҳозир халқаро миқёсда кенг тарқалган бўлиб, Ғарб мамлакатларида халқ оғзаки бадний ижодининг турли соҳаларини: оғзаки поэзия, халқ мусиқаси, халқ рақси, халқ нақшошлиги, оғзаки насрий асарлар, халқ урф-одати ва расм-русумлари, эътиқоди билан боғлиқ асарларни ифодалайди. Туркий халқларда фольклор термини халқнинг оғзаки поэтик ижодини, шунингдек, халқ кўшиги, мусиқаси ва рақсини англатади. XX аср бошларида фольклор атамаси ўрнида “оғза адабиёти”, “эл адабиёти”, “оғзаки поэзия” каби атамалар қўлланилган. Фольклор асарларини жанрларга ажратишда уларнинг уч хусусияти

- а) поэтик системанинг муштараклиги;
- б) асарнинг маънавий-ҳаётий функцияси;
- в) ижро характери назарда тутилади.

Шу нуқтан назардан қараганда, фольклор жанрлари тўрт турга бўлинади:

1. Лирик тур – халқ кўшиқларининг барча жанрлари;

2. Эник тур – дoston, эртак, ҳикоя, латифа, тарихий кўшиқ, ривоят, афсона ва ҳоказолар;

3. Драматик тур – оғзаки драмалар, аския, лапар, айтишувлар, масхарабозлик, юзиқчилик ва бошқалар.

4. Махсус тур – халқ доволигининг ифодаси бўлмиш халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, топшмақлар.

Оғзаки драма шаклига кўра фольклор ижодига бўлинади. Биринчи – масхарабоз ва кизилчилар театри, иккинчиси – кўтирчоқ театри.

Ўзбек фольклоршунослигида вариантчиликни назарий жиҳатдан ёритган асосий тадқиқот сифатида Т.Мирзаевнинг “Алломиш” достонининг ўзбек вариантлари” ҳамда “Халқ бахшиларининг энг репертуари” монографияларининг вариант ва версияга бағишланган қисмларини келтириш мумкин.

Миллатимизнинг энг асосий ўзинини англатувчи она тилимиз нафақат сўз ва оҳанг бойлигига, ифодавий хусусиятлари билан балки, ўлкаимизнинг турли воҳдаларида яшовчи юртдошларимизнинг ўзига хос “шева”ларда гапиришлари, турмуш тарзларида эса ўзаро фаркли маданий удумларни қўллашлари билан ҳам ажралиб, кўзга ташланиб туради.

Бу хусусиятлар Ўзбекистондаги ҳар бир воҳданнинг бошқа соҳаларда бўлгани каби мусика санъати амалиётида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Мусика санъатининг муайян воҳдалардаги бундай ўзига хослигини умумийликда ифодаланиш маҳаллий мусикий услуб дейилади.

Мустақиллик даврида фольклор тамоман янги мазмун ва моҳият кашф этди. “Халқ бахшиси” унвонининг жорий этилиши бу фольклор санъатига эътибор давлат миқёси даражаси эканини кўрсатади. Фольклор санъатига бағишланган кўплаб анжуман, фестивалларнинг бўлиб ўтиши бу санъатнинг маънавий ҳаётимизда ўрни баландлигидан далолат беради. Бироқ шундай бўлсада, бутун дунёга хос бўлган вариантларда секинлашни, бузилиш жараёнлари, устоз-шогирдчилик аъваларига ривож этмаслик, аъланада чекиниш ва ич овозининг йўқолиб бориши каби хусусиятлар бу санъатни ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай вазиятда эса фольклор санъатини кўпроқ тарғиб қилиш, ўрганиш, тадқиқ этиш самарали натижа беради.

Хуллас, халқимиз оғзаки ижодининг давлат миқёсида эътиборинини Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишининг ижобий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Юртимиз баркамол авлодинин халқ оғзаки ижодидан мукаммал маълумотга эга бўлмаган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекининг бутун фазилати, фалсафаси, донолиги, дунёқараши, олий ҳимматлиги, турли ҳаётий вазиятларга муносибати мақолларда акс этган. Инсондаги меҳнатга муҳаббат, энг гўйгузари кўшиқларда энг гўзал ички кечинмалар сифатида ифодаланган. Эртақларда халқимизнинг энг олий орзу-хаваслари намоён бўлади. Улар билан танишган ёш авлод ўзбек учун ватан, халқ, овла, меҳнат, илм, гурур нақадар муқаддас тушуничалар эканини англаб етади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022 сон қарорига кўра мамлакатимизни янгилан ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури амалга оширилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 31 май ПҚ-3022-сон қарори
2. Соппова, Д. Мусика ўқитиш назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма. -Т., Фан ва технологиялар маркази нашриёти, 2009-йил.

3. Г.Шарипова.Муסיқа ўқитиш методикаси (маърузалар матни).- Тошкент.:ТДПУ, 2000-йил
4. Нурматов. Х. Муסיқа ва эстетик маданият.Тавсиянома.Тошкент.:ТДПИ, 1992 йил
5. Қудратов. И. Талабаларни халқ кўшиқлари билан эстетик тарбиялаш.Монография.Т.Фан, 2009 йил.
6. Мусурмонова. О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси – Тошкент, 1996 йил.
7. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори тарихий воқелик. –Т.: Фан, 1995 й.